

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Германия иқтисодиётининг Марказий Осидега ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон-Германия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Унда Ўзбекистон ва Германиянинг ташқи иқтисодий алоқалар, сармоа, ёқилғи-энергетика, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, юқори технологиялар ҳамда қурилиш каби соҳалар учун масъул вазирилик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

● Тошкентда «Замонавий музейларда таълим технологиялари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекмузей» жамғармаси, Олимпия шон-шухрати музейи ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда санъатшунослар, музейлар мутахассислари, маънавият тарғиботчилари, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

● Москва шаҳрида кимё фани бўйича 45-халқаро Менделеев олимпиадасида дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган иқтидорли ўқувчилар қаторида юртимиз ёшлари ҳам фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида ушбу олимпиадада фахрли ўринларни эгаллаган ўқувчилар билан учрашув бўлди.

● Сарийосё туман ҳокимлиги ташаббуси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва қатор ҳомий ташкилотларнинг маблағлари эъзига қарийб 6 гектарни ташкил этадиган боғда турли аттракцион ва спорт майдончалари қуриш режалаштирилган. «Хурватан» маҳалласи худудидаги мазкур боғда бугунгача 5 минг тупга яқин манзарали ва мевали дарахтлар экилд. Ёшлик ва гўзаллик рамзлари бўлган «Ёшлар боғи»ни Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида тўлиқ фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

ЖАҲОНДА

● Тобора оммалашиб бораётган «Facebook» ижтимоий тармоғи маъмурияти реклама орқали оладиган даромад миқдорини янада оширмоқчи. Яъни ўтган йили ушбу йўналишда 1,8 миллиард АҚШ доллари миқдоридан даромад қўрилган бўлса, жорий йилда мазкур кўрсаткич 3,5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Агар «Facebook»нинг режаси амалга ошса, асосий рақобатчилари ҳисобланган «Google» ва «Yahoo!» каби интернет-гигантларини ордта қолдиришга муваффақ бўлади. Экспертларнинг фикрича, ҳозирча «Facebook»нинг реклама соҳасидаги рентабеллиги мазкур компанияларникига нисбатан бир оз пастроқ экан.

● Бирлашган Араб Амирликларида дунёдаги энг баянли турар жой биноси фойдаланишга топширилди, дея хабар тарқатди «International Business Times» нашри. Дубайнинг Марина туманида бунёд этилган мазкур осмонўпар бинонинг баландлиги 348 метр бўлиб, 86 қаватдан иборат. Уни қуришга қарийб 182 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ сарфланган. «Машъала» номини олган ушбу иморат БААда қурилган биринчи баланд турар жой биноси эмас. Чунки олдинроқ бу ерда «Минора» дея аталган 323 метрли шундай иншоот қад ростлаганди. Таъкидлаш керакики, ҳозир осмонўпар бино бунёд этиш борасида мазкур мамлакат дунёда биринчи бўлиб турибди. Масалан, 2010 йилнинг январида фойдаланишга топширилган кўп тармоқли «Бурж Халифа» минорасининг баландлиги 828 метрга тенг.

● Жаҳонда электр қуввати билан ҳаракатланувчи автомобилларга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Сабаби, бундай автоуловлар атроф-муҳит мусоффолигини сақлашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга. Германия 2020 йилга қадар ана шундай машиналардан бир миллион донга ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Бу ҳақда мамлакат канцлери Ангела Меркель таъкидлаб ўтган. Меркель хоним гарчи бу борада Осиде мамлакатлари билан кучли рақобат ўзатилса-да, Германия етакчилиги кўз қўлига олишига ишонишини айтиб ўтган.

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 97 (11.908)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН:

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА ТЕНГЛИККА АСОСЛАНГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи якунларига доир

Авал хабар қилингандек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2011 йил 17-18 май кунлари давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди.

Ҳиндистон томонининг ташаббусига биноан ушбу ташрифга халқаро тажрибадаги энг олий — давлат ташрифи мақоми берилди. Бунда икки томонлама ҳамкорликнинг юксак даражада ривожланаётгани, шу билан бирга, ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги ҳар томонлама дўстлик алоқаларининг кўп асрлик қадим илдизлари инobatга олинган.

Ҳиндистон ноёб тарихга эга, юртимиз билан азалий ва мустаҳкам маданий ва савдо-иқтисодий алоқалар, энг муҳими, самимий дўстлик ришталари билан боғланган мамлакат сифатида яхши маълум.

Ўзбек ва ҳинд халқларининг тарихи, адабиёти, мусиқаси, тасвирий санъати ва меъморчилигида ҳам муштарак жиҳатлар кўп. Уларнинг бир-бирини яқиндан билиши, маданиятини ўзаро бойитиши кўп жиҳатдан буюқ ажодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқ.

Ташрифнинг расмий қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов шарафига Ҳиндистон Президентининг «Раштрапати Бхаван» саройи олдидаги майдонда ўтказилган тантанали кутиб олиш маросими билан бошланди. Ўзбекистон раҳбарига олий даражада иззат-икром кўрсатилди.

Шу ернинг ўзидега оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда Ўзбекистон Президенти матбуот учун қисқача баёнот бериб, саммитнинг юксак сависини намоён этувчи ушбу давлат ташрифидан кўзланган мақсад ҳамда вазифалар ҳақида сўзлади. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболини танқидий таҳлил қилиш зарурлигини таъкидлади. Иккинчи муҳим жиҳат — мамлакатларимизни бир хилда ташвишлантираётган ва қизиқтираётган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокамасидир. Учунчидан, ишга солинмаётган имкониятлардан фойдаланиш, сиёсий, иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш орқали Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатларига янгича суръат бахш этиш.

Ташриф расмий қисмининг дастлабки воқеаси Бош вазир Манмохан Сингх билан тор доирадаги учрашув бўлди. Унда икки мамлакат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболини атрофлича муҳокама қилиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига бевосита таъаллуқли бўлган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, шунингдек, БМТ, ШҲТ ва бошқа халқаро тўзалмалар доирасидаги самарали ҳамкорлик юзасидан ўзаро ишонч ва очкиқлик руҳида фикрлашдилар. Ўзбекистон Ҳиндистоннинг БМТ Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибига доимий аъзо бўлиш борасидаги иштирокларини изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Музокарада икки томонлама, минтақавий ва глобал даражадаги деярли барча масалалар бўйича ёндашувларнинг ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди. Ўзбекистон ҳам, Ҳиндистон ҳам тенг ҳуқуқлилик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш асосида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Томонлар қўшни Афғонистондаги вазиятни муҳокама қилиб, ушбу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик қарор топиши муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Зеро, бу нафақат минтақавий ҳамкорлик учун улкан имкониятлар яратди, айна пайтда Ҳиндистон ва Ўрта Осиде бозорлари ўртасидаги масофани қисқартирадиди.

тан иқтисодий фойдали йўналишларни шакллантириш ва ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Шу нуктаи назардан қараганда, янги «Ўрта Осиде — Форс кўрфазини» ва Трансафғон йўлига ерусти транспорт коридорларининг шакллантирилиши туфайли юзага келадиган имкониятларга қизиқиш ортиб бормоқда.

Президент Ислон Каримов ва Бош вазир Манмохан Сингхнинг расмий делегациялар аъзолари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган таркибдаги икки томонлама музокарасида ҳам шу ва бошқа масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Олий даражадаги музокарада савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодий юқори суръатларда ўсаётган Ўзбекистон ва Ҳиндистон учун икки томонлама товар айирбошлашнинг бугунги ҳажми қоникарли эмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон Ҳиндистон компанияларининг улар ўзлари илгор технологик салоҳиятга эга бўлган тармоқларда сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги иштирокларини қўллаб-қувватлайди. Шу маънода «Спентекс Индастриз» компанияси билан ҳамкорлик муваффақиятли шерикликка яхши мисолдир. Ўзбекистон тўқимачилик саноатига йирик миқдорда сармоа киритаётган компаниялардан бири бўлган «Спентекс Индастриз» билан ҳамкорликда пахта хомашёсини қайта ишлаш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Фармацевтика компанияларида, нефть-газ соҳаси ва кимё саноатида ҳам талай йирик лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ҳиндистон ишбилармон доиралари вакиллари Навоий шаҳри аэропортидаги қитъаларо инвертодал хабда очилаётган имкониятларга қизиқиш билдирмоқда. Транзит юклаш ва тушириш маскани бўлган бу хаб Европа, МДХ, Яқин Шарқ мамлакатлари ва дунёнинг бошқа минтақаларига оптимал муддатларда ўзаро юклар ташилишини таъминлайди. Ҳозирги кунда ушбу халқаро хабдан жаҳоннинг етакчи транзит нукталарига, жумладан, Ҳиндистоннинг Дехли ва Мумбай каби саноат марказларига мунтазам равишда қатновлар амалга оширилмоқда.

Томонлар ўзаро ҳамкорликнинг энг истиқболли йўналишларидан бири сифатида ахборот технологиялари соҳасини, биринчи галда, Ҳиндистонлик мутахассислар ҳақли равишда дунёда етакчи ўрин тутадиган дастурий маҳсулотлар ва телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқариш, масофали таълим ва бошқа тармоқларни қайд этидилар. Шу маънода беш йил муқаддам Тошкентда очилган Жавахарлал Неру номидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази оммавийлашиб бораётгани таъкидланди. Бу ерда ёш мутахассислар энг илгор усуллар бўйича таълим олмақда, дастурларнинг замонавий тамойиллари кенг жорий қилинмоқда.

Ташриф доирасида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Ҳиндистон сайёҳлигини ривожлантириш корпорацияси ўртасида имзоланган «Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича сазй-ҳаракатлар дастури» сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш борасида манфаатлар муштараклигининг тасдиғи бўлди.

Илмий-техникавий ҳамкорлик борасида кенг имкониятлар мавжуд экани қайд этилди. Ўзбекистонлик олимлар ва илмий марказлар вакиллари физика, биотехнологиялар, материалшунослик, кўёш энергетикаси, лазер технологиялари, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш каби соҳаларда Ҳиндистонлик ҳамкасблари билан қўшма тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга тайёр экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Ҳиндистоннинг бошқа олий мартабали раҳбарлари — Президент Пратибха Патил, Вице-президент, Парламентнинг юқори палатаси Спикери Ҳамид Ансари, ташқи

ишлар вазири Соманалли Малайя Кришна билан учрашиб, самарали музокаралар ўтказди. Ҳиндистон протокоliga биноан Парламент куйи палатасидаги мухолифат етакчиси Сушма Свараж билан мулоқотда бўлди.

Ўзбекистон раҳбари Маҳатма Ганди ёдгорлик мажмуига ташриф буюрди ва бутун умрини миллий озодлик курашига бахшида қилган Ҳинд халқининг буюқ фарзанди хотирасига ҳурмат бажо келтириб, гулчамбар қўйди.

Умуман, музокаралар қатнашчилари ҳамда Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифини ёритган Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари ходимлари эътироф этганларидек, олий даражадаги Ўзбекистон-Ҳиндистон мулоқоти, имзоланган узоқ истиқболга мўлжалланган ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорлик ривожига кучли суръат бахш этиш учун яхши замин бўлиб хизмат қилади.

Стратегик шериклик тўғрисидаги Қўшма баёнотда таъкидланганидек, икки томонлама муносабатлар тенглик ва ўзаро англашув тамойиллари асосидаги узоқ муддатли стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Стратегик ҳамкорлик кенг кўламли йўналишларда, жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, терроризмга қарши кураш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, инсон ресурсларини, илм-фан ва технологияларни, сайёҳлик ва маданиятни ривожлантириш соҳаларида ҳамкорликни фаоллаштиришни назарда тутди.

Ташриф асносида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик доирасида ёқилғи энергетикаси, ахборот технологиялари, тўқимачилик, фармацевтика, банк соҳаси ва савдо-сотиқни ривожлантириш борасида алоқаларни тубдан кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўттиздан зиёд, жумладан, Ҳиндистоннинг етакчи «Ойл энд начурал газ корпорейшн» нефть-газ компанияси билан ҳамкорликда углеводород захираларини излаш, разведка қилиш ва ўзлаштиришга, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида оптик толлалари ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни, субстанциялар ва турли тиббий дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Етакчи йирик тўқимачилик компаниялари билан пахта, ипак ва тери хомашёсини чуқур қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулотлар савдоси бўйича ҳужжатлар имзоланди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида смартфонлар, планшетли компьютерлар ва интернет-приставкалар, шунингдек, кўёш-гибрид технологиялари асосида электр таъминоти манбалари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди. Имзоланган ҳужжатлар кимё соҳасида ҳам қатор лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Ҳиндистоннинг Экспорт-импорт банки ўртасида узоқ муддатли имтиёзли шартлар билан кредит линияси тақдим этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу битимга мувофиқ минерал ўғит ва бошқа стратегик товарларни йирик миқдорда ва узоқ муддатли асосда етказиб бериш ҳужжатлари расмийлаштирилди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ташрифи асносида имзоланган иқтисодий соҳага оид ҳужжатларнинг умумий қиймати 2,2 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Томонларнинг умумий эътирофига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислон Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи якунлари, ўтказилган музокаралар ва имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларнинг ҳамкорликнинг барча йўналишларида узоқ муддатга мўлжалланган стратегик шериклик тамойилларига асосланган янги босқичи учун мустаҳкам замин бўлади.

(ЎЗА)

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар
хоқимлигининг Ахборот
хизмати ва ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Чилонзор тиббиёт коллежида Республика ҳамда Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида «Аёл саломатлиги — миллат бойлиги» мавзусида ўқувчи-ёшлар билан давра суҳбати ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги 148-умумтаълим мактабидега Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «Буюқ ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида «Шеърят кечаси» уюштирилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий университетининг маданият саройида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб Маънавият тарғибот марказининг Олмазор туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Ватаним, кутлуг тўйинг муборақ!» деб номланди. Унда университет қошидаги академик лицей ўқувчилари иштирок этди.

Тошкент Молия институтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон банклар ассоциацияси ҳамкорлигида Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори ижросига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

«Мамлакат иқтисодий инновацион ривожлантириш шароитида тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш» мавзусидаги тадбирдан иқтисодий инновацион ривожлантириш ва модернизация қилиш шароитида банк тизимининг барқарорлигига эришиш, тижорат банкларининг капиталлашуви, ликвидлик даражасини ошириш ва ресурс базасини мустаҳкамлаш соҳасида фикр ва илғор тажрибалар билан алмашиш, шунингдек, республикамиз банк тизимини ислоҳ қилиш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларга эришиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш кўзда тутилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва ташкилот, идоралар, банк-молия муассасалари, кредит ташкилотларининг раҳбар ходимлари, етакчи амалиётчи мутахассислар, молия-банк соҳасидаги илмий-тадқиқот марказлари ва иқтисодий йўналишларидаги таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, мустақил тадқиқотчилар, шунингдек, эксперт-таҳлилчилар, талабалар иштирок этишди.

Халқаро стандартларга мувофиқ ти-

жорат банкларининг капиталлашиш даражаси, ликвидлиги, ресурс базасини ошириш, иқтисодий модернизация қилиш, реал сектор корхоналари ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, жумладан, янги иш ўринларини ташкил этиш

бу борадаги мажмуавий дастурларни амалга оширишда банк соҳасининг ўрни алоҳидадир. Мамлакатимизда ушбу тизим ўзининг барқарор ва ишончли эканлигини исботлади, бу эса авваломбор бизда мустаҳкам қонунчилик-ҳуқуқий негиз

Анжуманлар

ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишда банклар ва бошқа молиявий институтлар иштирокини кучайтириш каби йўналишлар бўйича бешта шўъбаларда долзарб масалалар бўйича кўплаб мазрува ва бошқа илмий чиқишлар қилинди.

Республикамизда барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлаш, ривожланишнинг устувор йўналишларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш, шу жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва

шақланганлиги боис таъминланмоқда.

— Молия-банк тизимини ривожлантириш аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг асосий омилдир, — дейди Тошкент Молия институти банк иши кафедрасининг катта ўқитувчиси Шахло Давирова. — Бугунги кунда замон талабидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир соҳада инновацион янгиликлар жорий қилинмоқда. Маълумки, ҳар қандай фаолият илм-фан ютуқларига таянган ҳолда ҳаётга татбиқ қилинади, қўлдан натижани бериши мумкин. Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилишнинг меъё-

рий-ҳуқуқий негизи такомиллаштирилмоқда. Олий таълим даргоҳимизда етти йўналишда 15 дан зиёд мутахассисликка ўқитилмоқда. Саккиз минг талабага илм беришда 2005 йилдан эътиборан Европа таълим стандартлари бўйича 500 нафардан зиёд тажрибали ўқитувчилар — фан номсодлари ва докторлари, профессор, доцент ва катта ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мамлакат иқтисодий инновацион ривожлантириш шароитида илм-фан билан ишлаб чиқаришни алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, Юртбошимизнинг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ тўрт йилдан бундан анъанавий республика инновацион ярмаркалари ўтказиб келинаётгани эътиборга молик. Жорий йилда олий ўқув юрталари томонидан ярмаркага тақдим этилган янги ишланмалар сони анча кўпайган. Уларнинг аксарияти бевосита талабалар ёки уларнинг иштирокида яратилган. Талабаларимиз ҳам ярмаркаларда намойишга қўйилган инновацион фоялар, технологиялар ва лойиҳалардан руҳланган ҳолда илганишда давом этишяпти.

Ўзбекистонда илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб муштарак мақсадларни кўзда тутди. Шу маънода илмий-амалий анжуманда иқтисодий инновацион қон томири ҳисобланган банк тизимининг барқарорлигига эришиш масаласи устувор бўлди.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан эълон қилинган ҳуқуқий саводхонлик ойлги доирасида «Менинг ҳуқуқ ва бурчларим» мавзусида иншолар танлови ўтказилмоқда.

Танловнинг шаҳар босқичида 3, 97 ва 260-мактаб ўқувчиларидан Юлдуз Зарипова, Саодат Ашурова ва Ҳабиба Пиримовалар голиблик шохсупасидан ўрин эгаллашди.

Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият» мавзусидаги ҳуқуқий саводхонлик ойлгида Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунослар, олимлар, экспертлар, маънавий тарбиячилари жалб этилган. Жойларда ўтказилаётган анжуманлар, учрашувлар, давр сўхбатлари ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий ва маданий билимларини янада мустаҳкамлаш имконини бераётди.

Бу жиҳатлар мактаб, ўрта махсус ва олий таълим даргоҳларида бўлиб ўтаётган ҳуқуқий-маърифий йўналишдаги тадбирларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Охириги кўнгирок тадбирларига қадар давом этадиган ойллик доирасида ўқувчилар ўртасида «Менинг ҳуқуқ ва бурчларим», «Мустақил юрт фарзандимиз!» мавзуларидаги иншолар танловлари, «Сиз қонунни биласизми?», «Ҳуқуқларингизни биласизми?» мавзуларида икки босқичли викториналар ўтказилмоқда.

«Менинг ҳуқуқ ва бурчларим» мавзусидаги иншолар танлови ўқувчиларнинг билим ва қўникаларини яна бир бор синовдан ўтказди. Иншо ва баёнларда мамлакатимизда эришилган ютуқлар, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти, эркин, озод ва фаровон ҳаёти, гуруҳ-ифтихоримиз тимсоли саналган мустақиллик таровати, Конституция ва қонунлар устуворлиги, миллат келажагининг бардавонлиги каби мавзулар батафсил ёритилмоқда.

— Дарҳақиқат, республика бўйича ўтказилаётган саводхонлик ойлги ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини мустаҳкамлаш, истиқлол йилларида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлардан хабардорлигини янада оширишга қаратилган, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига Халқ таълими бош бошқармаси услубчиси Бахтиёр Сафаров. — Аҳамиятлиси, масалан, «Сиз қонунни биласизми?» викторинаси орқали фарзандларимиз Конституция ва қонунларимизнинг мазмун-моҳиятини тереңроқ англаш имкониятига эга бўлмоқда.

Азима ҚИЁСОВА

ФАН ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИГА БАҒИШЛАНДИ

Ҳозирги даврда композицион ва нанокомпозицион материаллар технологияси ва уларнинг самарадор таркибларини яратиш, композит ва нанокомпазитлар структурасининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш ва уларни республика иқтисодийнинг турли тармоқларида қўллаш борасидаги фундаментал ва амалий тавсифга эга тадқиқотлар фан ва техниканинг муҳим йўналишларидан бўлиб, истиқболда унинг кўлами янада кенгайиши кутилмоқда.

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети ҳузуридаги «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонасида «Маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлар асосида янги композицион материаллар» мавзусида халқаро илмий-техникавий конференция бўлиб ўтди. Конференциянинг бу ерда ўтиши беҳиз эмас эди. Қатор йиллар давомида «Фан ва тараққиёт» корхонасида маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлар асосида рақобатбардор ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олишга қаратилган тадқиқотлар олиб берилмоқда.

Конференциянинг ялпи мажлисларида «Композицион материалларнинг ривожланиши ҳозирги ҳолати ва унинг Ўзбекистондаги ривожланиши истиқболлари», «Ишқаланишга мўлжалланган экологик зарарсиз композицион, полимер материаллар», «Ўтти металлларнинг наноэрозачалари ва поливинилпиролон асосидаги композициялар», «Кўп фазали рангли металлургия чинқиндиларининг ўзаро таъсирланиш қонунлари ва унинг асосида энергия ва ресурс тежамкорлиги», «АГМК» ОАЖда мис ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва бошқа маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Конференциянинг ялпи мажлислари ва «Композицион материалларнинг тузилиши ва хоссалари», «Композицион материалларнинг олиниши ва қўлланилиши», «Нанокомпозицион материаллар», «Композицион материаллар учун ингредиентлар» каби шўъбаларда 250 дан ортқ маърузалар қилинди. Ва бу материаллар композицион ва нанокомпозицион материалларни яратиш, тадқиқ қилиш ва қўллаш масалалари билан шуғулланувчи олимлар, тадқиқотчилар ва докторантлар, аспирантлар, магистрлар, бакалаврлар, корхоналар, илмий-техник институтлари, муассаса ва ташкилотларнинг муҳандис ходимлари учун тажриба ва фикр алмашишларида, фан ва техникада янги йўналишлар белгилашда қўл келади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Маълумки, мамлакатимизда юрт раънақи ва иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ишбилармон ва тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, фаолиятларини янада ривожлантиришлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб келинмоқда. Жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб номланиши ҳам айнан хусусий бизнес вакилларига қаратилган эътиборнинг яна бир ёрқин куришидир.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан ташкил этилаётган «Очиқ эшиклар куни» тадбирлари, семинар, давра сўхбатлари ва учрашувларда ҳам ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамда ишбилармонларга мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг тўғри ва тўлиқ ижроси бўйича атофалиқ тушунтиришлар берилмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг 2009 йил 15 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда бошқа қарорлари асосида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида яратилган барча имкониятлар ва қонунчиликдаги имтиёз ҳамда преференцияларни тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, яқинда шаҳар Адлия бошқармасида Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича тармоқ дастурида белгиланган вазифалар ижроси бўйича «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатларнинг ўрни» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда пойтахтимизда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари, адвокатлар, Адлия вазирлигининг нотариат, ФХД ва адвокатура бўлими, шунингдек, Адлия бошқармаси ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан мустақилликка эришилгандан бундан тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган 400 дан ортқ норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунчиликка киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, айниқса Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида илгари сурилган йўналишлар мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсади қўзланди. Шу ўринда қонунчиликдаги ўзгаришларни тезда аҳолига етказишда адвокатларнинг ўрни алоҳида эканлиги, бугунги замон талаби шуни тақозо этаётганлигига эътибор қаратилиб, бунда тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдамни янада кучайтириш, ечим топилмаётган масалаларни ҳал қилиш кўзда тутилганлиги иштирокчиларга мисоллар орқали тушунтириб берилди.

Тадбир сўнгида соҳа мутахассислари саволларга тўлиқ жавоб бердилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА



Ўза олган суратлар

Жумладан, куни кеча Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази томонидан Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда марказ қошидаги халқ амалии ва тасвирий санъат бўлими тўғрақ аъзолари ўртасида «Камалак-2011. Миллий анъаналар ва замонавийлик» фестивали ўтказилди. Бунда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган бола-жонларнинг тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа санъат турлари бўйича гўзаллики акс эттирувчи беллашувлари иштирокчиларга олам-олам завқ бахш этди.

— Бугунги тадбирда 100 дан ортқ иқтидорли иштирокчилар қатнашди ва улардан энг моҳир 33 нафарига дипломлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди, — дейди марказ раҳбари Тамара Мирсағатова. — Масалан, миллий каштачиликни замонавий дизайн билан уйғунлаштирган ҳолда яратилган бу каби санъат асарларини кўриб, келажагимиз маънавий баркамол, гўзаллики нозик ҳис этувчи ёшлар қўлида

Баркамол авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ёшларни ўз вақтида рағбатлантириш, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида кейинги пайтларда юртимизда кўплаб маънавий марказлари, хайри жағфармалари, маданият уйлари ташкил этилиб, турли-туман тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ёшлар — келажагимиз

ИСТЕЪДОДЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Дилфуза Топилова, Аҳдам Саидхўжаев, Оксана Турдиева каби кўплаб жонқуяр устозлар, фидойи педагоглар кўмагида болажонларимиз шундай натижаларга эришиб келмоқдалар. Жойларда бу каби фестивалларнинг ўтказилиши фарзандларимизнинг соғлом ва етуқ, келажақда дунё тан оладиган

шахслар бўлиб етишишларига асос бўла олади. Фарзандлари соғлом юртнинг қудратли бўлиши табиийдир.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун иқтидор ва истеъдодни намоён этаётган ёшлар орасидан келажақда буюқ ижодкорлар, Нодирбеғим, Камолитдин Бехзодларнинг издошлари етишиб чиқишлари шубҳасиздир.

Садоқат АСЛАНОВА

ТАЛАБАЛАРНИНГ БИЗНЕС ҒОЯЛАРИ

Мамлакатимиз иқтисодий изчил модернизация қилинаётган бугунги кунда унинг илм-фан билан интеграциясини чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ юртимизда инновацион фаолият ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётди.

рўёбга чиқариш имконини беради. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари янги фоялар асосида ўз хизматлари ва маҳсулотлари сифатини яхшилашдан, ихтирочи ёшлар эса уларнинг амалда ўзлаштирилишидан манфаатдор.

Танлов жараёнида асосий эътибор ушбу лойиҳаларнинг иқтисодий долзарблиги, кичик бизнесни ривожлантиришдаги аҳамияти ва янги иш ўринлари яра-

тиш имкониятларига қаратилди. Танловга тақдим этилган ишлар орасида компьютер тармоқларини симсиз улаш хизматини кўрсатиш, маҳаллий хомашдан қозғош ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, автомобиллар тўхташ шохбчаларини такомиллаштиришга оид лойиҳалар кўпчилигининг эътиборини тортиди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» да ушбу танлов голиб ва совриндорларини тақдир-

А.САМАДОВ,
Ўза муҳбири

ЖАҒАПТИК ПЛЕЙСТРА

ДУШАНБА, 23

«Ўзбекистон»

5:00 Кўрсатувлар дастури. 6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7:00 «Ишқ зоти» Т/с. 8:00 «Тайминга».

ntf

06:00 «Онлайн хабарлари» информацион блок 06:05 Мумтоз наволар 06:30 «Пойтахт хабарлари» информацион блок

«Ёшлар»

6:55 Дастурни очилиши. 6:55 «Ёшлар нуқултаси». 6:55 «Ош бўлини».

«Тошкент»

7:25 Кўрсатувлар тартиби. 7:30 «Салом, Тошкент!» 7:30 Тошкент тароналари.

Первый канал

04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро» 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости

Россия

04.00 «Утро России». 8.05 «С новым домом!» 9.00 «С новым домом!»

СЕХУШАНБА, 24

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури. 6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7:00 «Ишқ зоти» Т/с.

ntf

06:00 «Онлайн хабарлари» информацион блок 06:05 Мумтоз наволар 06:30 «Пойтахт хабарлари» информацион блок

«Ёшлар»

6:55 Дастурни очилиши. 6:55 «Ёшлар нуқултаси». 6:55 «Ош бўлини».

«Тошкент»

7:25 Кўрсатувлар тартиби. 7:30 «Салом, Тошкент!» 7:30 Тошкент тароналари.

Первый канал

04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро» 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости

Россия

04.00 «Утро России». 8.05 «С новым домом!» 9.00 «С новым домом!»

ЧОРШАНБА, 25

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатувлар дастури. 6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7:00 «Ишқ зоти» Т/с.

ntf

06:00 «Онлайн хабарлари» информацион блок 06:05 Мумтоз наволар 06:30 «Пойтахт хабарлари» информацион блок

«Ёшлар»

6:55 Дастурни очилиши. 6:55 «Ёшлар нуқултаси». 6:55 «Ош бўлини».

«Тошкент»

7:25 Кўрсатувлар тартиби. 7:30 «Салом, Тошкент!» 7:30 Тошкент тароналари.

Первый канал

04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро» 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости

Россия

04.00 «Утро России». 8.05 «С новым домом!» 9.00 «С новым домом!»

«Спорт»

6:00 «Хайри тонг!» 6:05 Анонс. 6:10 «Саломат бўлинг!»

ntf

06:00 «Онлайн хабарлари» информацион блок 06:05 Мумтоз наволар 06:30 «Пойтахт хабарлари» информацион блок

«Ёшлар»

6:55 Дастурни очилиши. 6:55 «Ёшлар нуқултаси». 6:55 «Ош бўлини».

«Тошкент»

7:25 Кўрсатувлар тартиби. 7:30 «Салом, Тошкент!» 7:30 Тошкент тароналари.

Первый канал

04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро» 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости

Россия

04.00 «Утро России». 8.05 «С новым домом!» 9.00 «С новым домом!»

«Спорт»

6:00 «Хайри тонг!» 6:05 Анонс. 6:10 «Саломат бўлинг!»

ntf

06:00 «Онлайн хабарлари» информацион блок 06:05 Мумтоз наволар 06:30 «Пойтахт хабарлари» информацион блок

«Ёшлар»

6:55 Дастурни очилиши. 6:55 «Ёшлар нуқултаси». 6:55 «Ош бўлини».

«Тошкент»

7:25 Кўрсатувлар тартиби. 7:30 «Салом, Тошкент!» 7:30 Тошкент тароналари.

Первый канал

04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро» 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости

Россия

04.00 «Утро России». 8.05 «С новым домом!» 9.00 «С новым домом!»

(Давоми 4-бетда)

ЖАҲАММАТ АРАҚЛАРИ

13.00 Давоми. Боши 3-бетда.
13.00 Давоми. Боши 3-бетда.
13.00 Давоми. Боши 3-бетда.

Россия
4.00 «Утро России».
8.05 «С новым домом!».
10.00 «О самом главном».

НТВ
3.55 «НТВ утрот».
7.30 «Развод по-русски».
8.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».

ЖУМА, 27
«Ўзбекистон»
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

08.05 «Тахт уз».
12.10 «Киролча». Т/с.
09.00 «Худудий хабарлар».

«Ўзбекистон»
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Спорт»
6.00 «Хайрли тонг!».
6.05 Анонс.
6.10 «Саломат бўлинг!».

«Ўзбекистон»
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

11.10 «Местное время. Вести - Москва».
11.15 «Вести. Дежурная часть».
10.50 «Честный детектив».

«Ўзбекистон»
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

Тошкент Вечерний Оқшом Ташкент
Обуна-йил давомидда
«Тошкент оқшом» ва «Тошкент Ташкент» газеталарида корхона ва ташкилотлар

«Тошкент оқшом» ва «Тошкент Ташкент» газеталарида корхона ва ташкилотлар
Ташкент почтаминини туманлардаги филиаллари орқали пул ўтказиш йўли билан обуна бўлиши мумкин.

«Оқшом» сизнинг доимий ҳамроҳингиз ва ҳамкорингиз бўлиб қолсин.
13.30 «Кинопапила».

«Тошкент»
7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!».

«Ўзбекистон»
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

с 9 апреля по 29 мая
ПРАЗДНИЧНАЯ ПРОГРАММА
ЭТОТ ВОЛШЕБНЫЙ МИР ЦИРКА
Ташкент шаҳрида 20 май кунини ҳаво узғариб туради, ёгингарчилик бўлмади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиққди.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.